



**МЕХНАТ ВА МУҲАББАТ МЕВАСИ**

3▶

**Муҳаммаджон Раҳимов:**  
ЭНДИ ҲАЁТ ҚОЗОНИДА  
“ҚАЙНАЯПМАН”



4▶



**АРОСАТ АЗОБИ**  
ёхуд “ажралиш” куйини  
ҳеч ким чалмасин

5▶

**КИМНИ  
АЛДАЯПСИЗ?**



8▶

## БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ЎзА сурат-лавҳаси

## БИЗ БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!

### САМАРҚАНДДА ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Кеча Самарқанд шаҳрида “Фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ўрни: Ўзбекистон тажрибаси” мавзuida халқаро конференция бошланди

Мазкур нуфузли анжуман Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мо-

ниторинг қилиш мустақил институти томонидан UNWOMEN (БМТнинг Аёллар тузилмаси) ҳамда Германиянинг омонат кассалари жамғармаси, Фридрих Эберт фонди билан ҳамкорликда уюштирилди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Самарқанд енгил саноат касб-хунар коллежидан бўлиб, битирувчилар бандлигини таъ-

минлаш юзасидан амалга ошириляётган тажрибалар билан яқиндан танишдилар.

Шунингдек, меҳмонларда Самарқанд шаҳри Чашма маҳалласида республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ҳаётга кенг татбиқ этиляётган бешта сектор фаолияти ҳамда 21-мактабда ташкил этилган “Ораста қизлар” тўғараги

фаолияти катта таассурот қолдирди.

Бибихоним ансамблида хорижлик меҳмонлар ва Республика Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари учрашувида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим олиш, касб-хунар эгаллаш ва уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириляётган хайрли саъй-ҳаракатлар ҳақида муфассал сўз юритилди.

Бугун халқаро конференция ўз ишини давом эттиради.

Ўз мухбиримиз.

# КЎНГИЛ ОБОДЛИГИ — ФАРОВОНЛИК ТИМСОЛИ

Эътироф

Яқинда кўчада кетаётган тўрт-беш яшар қизчанинг онаси билан суҳбати тасодифан қулоғимга чалинди. “Бу бизнинг Ватанимизми?”, деб сўради қизалоқ бунёдкорлик намуналаридан бўлган гўзал бинолар суратига қараб. “Ҳа, бизнинг юртимиз”, деб жавоб берди онаси. “Жуда чиройли, а?” “Ҳа”. “Маҳалламиз ҳам, боғчамиз ҳам шунақа чиройли”. Она мийиғида кулиб, қизалоқнинг сочини силаб кўйди. “Уни ҳеч кимга бермаймиз, а?” деди ҳамон суратга термилиб турган қизалоқ кўзларини пирпиратиб. “Ҳа, қизим, ҳеч кимга бермаймиз!”, деди онаси. Шунда унинг товушида ўзгача бир гурурни илгидим.

Давраларда бугуннинг болалари бошқача-да, жуда зийрак, бийрон, ақли деган гаплар тез-тез қулоққа чалинади. Шундай кезларда оналари саодатли болалар албатта, шундай бўлиши керак-да, деган ўй хаёлимдан ўтади. Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқени юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини, саломатлигини муҳофаза қилиш борасида муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда истиқлол йиллари амалга оширилган ислохотларнинг самараси бугунги кунда ўғил-қизларимизнинг дадиллиги, билим олиш, ўз иқтидорини намойиш этишдаги интилиши ва ютуқларида ҳам яққол сезилмоқда. Бугуннинг оналари болаларини эл-юрт қорига камарбаста бўлишдек улкан мақсад сари руҳлантarmoқдалар. “Ўқиб менга шаҳар олиб берарми-

динг”, деган гаплар энди эскирди. Унинг ўрнига оналаримиз: “Ўғил-қизим қаторида келиним ҳам ўқисин, шунда невараларим ақли бўлади”, деган истак билан фарзандларини билим олишига шароит яратишмоқда. Касб-хунарга йўналтиришмоқда.

Туманимиз хотин-қизлари ҳам бугунги кунда оила ва жамиятда бирдек фаол. Фориш асли хунарманд, қўли гул онахонлар, чевар келин-қизлар юрти. Миллий хунармандчилик турларини момоларимиз азалдан асраб-авайлаб, авлоддан-авлодга етказишган. Қизлар тарбиясида, қишлоқ аёллари бандлигини таъминлашда ана шу анъанага суняиб иш олиб бораямиз. Айниқса, “Қораб-дол” қишлоқ фуқаролар йиғинининг “Норвон” ва “Яссикечув” маҳаллаларида хотин-қизлар ўртасида миллий хунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаёпти.

Жорий йилнинг апрель-май ойларида устоз-шоғирд йўналишида хунармандчиликка мойиллиги бор 30 нафар уй бекалари ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчи қизларига гилам тўқиш, чопон тикиш бўйича уста шоғирд йўналишида икки ой муддатда ойлик ўқув курслари ташкил этдик. Хотин-қизларнинг қизиқишларига қараб, оилавий тадбиркорлик ёки касаначилик асосида бандлигини таъминлаш бўйича иш олиб бораямиз. Жорий йилнинг олти ойи давомида туманимизда хотин-қизлар учун 639 иш ўринлари яратилди.

Мамлакатимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга ошириляётган хайрли



Гулнора ИСМАИЛОВА,  
Фориш туман ҳокими  
ўринбосари, хотин-қизлар  
қўмитаси раиси,  
“Шухрат” медали соҳибаси

ишлар тўғрисида бугунги кунда замонавий тиббий усуналар билан жиҳозланган туманимиздаги тиббиёт бирлашмасига қарашли марказлашган поликлиника, марказий туман шифохонаси, 24 та ҚВП аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Маҳаллаларимизда фаолият олиб бораётган “Саломатлик секторлари” бугунги кунда оилалар билан ишлашни яхши йўлга қўйган. Бу борада айниқса, “Оқтом” маҳалла фуқаролар йиғинида намунали ишлар ташкил этилган.

Маҳаллаларда қизларни оилавий

ҳаётга тайёрлаш, ёш оилалар ажрининг олдини олиш ҳамда улар орасида миллий-маданий анъаналарни тарғиб этиш борасида амалга ошириляётган ишларда айниқса, маслаҳатчиларнинг алоҳида ўрни бор. “Оқтепа” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Махбуба Зарфуллаева, “Илонли” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Умида Одилова, “Яссикечув” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Хонимой Саримсоқова ўзларининг фаоллиги билан бошқаларга ўрнак бўлиб келишмоқда.

Туманимизнинг қайси қишлоғи, маҳалласи, кўчасига кирманг ободлик ва янгиланишларга гувоҳ бўласиз. Спорт, фан, таълим, санъат ва маданият соҳасида қизларимиз, фарзандларимиз кўлга киритаётган ютуқлар барчамизни бирдек қувонтирмоқда. Намунали лойиҳалар асосида қурилган уй-жойларга кўчиб кираётган опа-сингилларимизнинг кўзларидаги қувончнинг айтмайсизми?

Хонадонимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлиги аса хотин-қизларни барча соҳаларда фаол бўлишга ундамоқда. Истиқлол бизга ана шундай имконият ва саодат берди. Бугуннинг аёли қайси соҳада ишламасин, астойдил меҳнат қилса, албатта, элда эъзоз топмоқда. Яқинда Ватанимиз Мустақиллигининг 24 йиллик шодидеяларини арафасида Президентимиз Фармонида кўра мукофотланган ҳамюртларимиз орасида ҳам хотин-қизлар кўнчилигини ташкил этади. Жумладан, мен ҳам ана шундай юксак эъзоз ва эътиборга сазовор бўлдим. Бугун қалбим қувонч, гурур хиссига тўла. Хотин-қизларга кўрсатиляётган бундай юксак эътибор бизни янада масъулият билан ишлашимизга куч-қувват беради.

## ҚАЛБЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Бугун ёш авлоднинг ҳар томонлама қилган инсон бўлиб тарбия топишида давлатимиз томонидан қабул қилинган Давлат таълим дастурининг аҳамияти жуда катта. Унда белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этиляётгани ёшларимизнинг билим ва дунёқараши шаклланишида асосий омил бўлмоқда.

Янгийул туманида фаолият юритаётган 24 та мактабгача таълим муассасаларида ҳам Таълим дастури асосида ёшларнинг дунёқараши шакллантириш, ҳам маънан, ҳам жисмонан вояга етишида тарбиячи ва мураббийлар фидойилик кўрсатишяпти. Бу борада тумандаги 20-мактабгача таълим муассасаси жамоаси намунали фаолият олиб бораётганлиги қувонarli. Ҳозирда таълим муассасасида 189 нафар жажжи болагонлар тарбия олмақда. Шулардан 35 нафари бу йил 1-синфга қузатилди. Яқинда ушбу таълим муассасида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги ҳамда Кексаларни эъзозлаш

йили муносабати билан тадбир ташкил этилиб, унга боғча тарбияланувчиларининг бобо ва бувилари, ота-оналар ҳамда меҳмонлар таклиф этилди.

Тадбирда боғча мудираси Дилором Муҳаммаджонова сўзга чиқиб, истиқлолнинг давлатимиз ва халқимиз ҳаётида тутган ўрни, юртимизда нуруний отахон ва онахонларимизга кўрсатиляётган хурмат, эътибор ҳақида гапирди. Шундан сўнг болагонлар ўзлари ёд олган она, Ватан, истиқлол, Ўзбекистон байроғи, герби ҳақидаги шеър ва қўшиқларини ижро этдилар. Кечани ташкил этишда Нурхон Шомирзаева, Нодира Султонова сингари тарбиячилар алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

Тадбир сўнггида нуруний отахон ва онахонлар ёшларга яратилган имкониятлар, шарт-шароит хусусида тўхталиб ўтилди.

Аҳмаджон РИХСИБОВ,  
“Оила ва жамият” мухбири.  
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

## НУКУСДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб тарбиялаш жараёнида ёш истеъдодларни топиш, кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Нукус шаҳрида “Нима қилдик Ватан учун?” ҳамда “Биз, ёшлар гиёҳвандлик ва терроризмга қаршимиз!” шiorлари остида ўтказилган ёшлар фестивалида ана шундай эзгу мақсадлар ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда туман ва шаҳарлардаги истироҳат боғлари, маҳаллалар, махсус мактаб-интернатлари ва Меҳрибонлик уйларида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди. Ёшларимизнинг тадбиркорлик, хунармандлик, фан, таълим, маданият, спорт соҳаларида эришаётган ютуқларини намойён этувчи кўргазмалар ташкил этилиб, томошабин ва иштирокчиларда бир олам таассурот уйғотди.

“Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!” эзгу гоёси остида “Ижодим сен учун бахшида, Ватан!”, “Хурмат ва эъзозда” деб номланган маданий-маърифий тадбирлар, “Кеча ким эдигу, бугун ким бўлди?”, “Одам савдоси ва гиёҳвандлик оқибати” мавзусида намойиш этилган видеороликлар ёшларни бугунги дориламон кунларнинг қадрига етишига, уларда Ватанпарварлик туйғуларининг янада барқарорлашишга ижобий таъсир кўрсатиши, шубҳасиз.

Мустақиллик, тинчлик, Ватан ва ёшликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар фестивалнинг янада ёрқин хотиралар билан ўтишига сабаб бўлди.

## АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида «Икки авлод учрашуви» лойиҳаси доирасида «Сизлардан миннатдоримиз!» деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, шифокорлар, педагоглар, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар имконияти чекланган, алоҳида эътиборга муҳтож болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, саломатлигини тиклаш ва жамиятга фаол интеграциялашувини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляётганини таъкидлади. Шу маънода жисмоний имконияти чекланган аҳоли қатлами ижтимоий рағбатлантиришда яқин кўмакчи бўлган тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базаси тўғрисида мустаҳкамланиб, шу турдаги таълим муассасаларида барча шарт-шароитлар яратилган.

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида болалар саломатлигини тиклашга ёрдам берадиган спорт турлари билан шуғулланилади. Санъат ва хунармандлик бўйича тўғараклар фаолият кўрсатмоқда. Яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш, касб-хунар сирларини пухта эгаллаш ёшларнинг ҳаётда муносиб ўрин топишига, юртимиз равнақига ҳисса қўшишига кенг йўл очди.

Ўз мухбиримиз.

# МЕХНАТ ВА МУҲАББАТ МЕВАСИ

80 ёшни қаршилаган бу отахонни йўқлаб борсангиз, учратишингиз амримаҳол. Чунки тонг отмасдан сой ёқалаб боғи томон кетаётган бўлади. Атрофи яшилликка бурканган, сархил мевалари гарқ пишган бу боғнинг боғбони ана шундай бунёдкор. Балки ҳосиллар Паркентнинг мусоффо ҳавосидан ёки зилол суви-ю, унумдор тупроғидан қувват олиб яшнаса керак, деб ўйларсиз. Аслида, Шоназар ота каби заҳматкаш инсонларнинг меҳнати, ерга бўлган муҳаббати сабаб мевалари шундай тотлидир.



тисослашган. Масалан, Хисорак қишлоғида ҳар йил баҳорда гилосзорлар шохини кўтаролмай эгилганини кўрсангиз, қуёш тез тушиб, меваларни худди тандирдаги нондай пишираётган Самсарак қишлоғи узумларининг тез етилиши билан ажралиб туради. Шоназар ота эса туманнинг Чанги қишлоғида шундоққина сойнинг бир чеккасида боғ яратган. Бу ерда ҳамма ҳосиллар мавсумнинг ўртасида етилади.

Боғ ва боғбон таърифини келтирдик, энди эса Шоназар отанинг маҳалладаги ўрнини айтиб ўтмасак бўлмайди. Нега десангиз, Чанги қишлоғининг шундоққина марказида Шониятовлар оиласи жам бўлган. Ярим асрдан ошқ вақт мобайнида отахон умр йўлдоши Эйтибор ая билан беш ўғил, тўрт қизни вояга етказиб, элга қўшишди.

— Ишонасизми, ҳали бирор марта бизнинг оилада майда гап-сўз, низо ёки аразлашиш бўлмаган, илоё бундан кейин ҳам чикмасин-да,

— дейди Эйтибор ая Шониятова. — Бунга бу кишининг ҳар бир ишни ўз ўрнида бажариши, гапни ҳам керакмас жойда эмас, тўғри ишлатиши сабаб. Маҳалламизда бир одат бор, ҳаммининг эшиги доим очик. Қунига камида ўнта одам уйимизга келади. Кимдир тўй-маъракага айтса, бошқаси маслаҳат, насихат олади. Шу вақтгача у кишининг ёлгон гапирганини ёки бировни алдаганини эслолмайман. Борича гапиргани учун маҳалламиздан келин олмақчи ёки қуёв қилмоқчи бўлганлар ўша хонадон аҳли ҳақида тўғри бизнига келиб, амакингиздан сўрашадди. Асли касблари сартарош-уста. Қайси бир уйда эркак устун, гапи битта бўлса, шу ерда бахтли ҳаёт тарзи давом этаверади.

Отахонни фақат боғидан бери келмайди, десак, бу тиниб-тинчимас инсон "Қунгай" қишлоқ фуқаролар йиғинида-

## Замондошларимиз

ги муҳим масалаларда ҳам фаол экан. Мазкур маҳалла маслаҳатчиси Фарида Шоисмоилованинг айтишича, оилавий можаролар билан келган кишиларни яраштириш, қўшнилар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш учун кўпчилик Шоназар отанинг маслаҳатига суянаркан.

— Маҳалламизда бир киши аёли билан ажрашмоқчи бўлибди, — дейди отахон суҳбатимиз орасида. — Билардим, болалари ҳали жуда ёш. Шу гапни эшитиб, секин эр-хотин бўлим ўзим обдон гаплашиб, арзимаган баҳонада бегуноҳ фарзандларни тирик етим қилишининг даҳшатли оқибатлари ва жавоби ёмон бўлишини тушунтирдим. Иккаласи ҳам панд-насихатимга қулоқ солишди ва ажрашишмади. Бундай воқеалар ҳаётимда кўп бўлган. Очиги, кимгадир йўл-йўриқ кўрсатишдан аввал ўша инсоннинг ўзи маҳаллада бошқаларга ибрат бўлиши керак.

Оиланинг тўнғич фарзанди Шохолдор ҳайдовчи, Шомансур билан Нигора ўқитувчилик касбини танлашган, Шароф эса отасига тортган — боғбон. Шухрат, Гулнора ва Дилноза маҳалладаги тиббиёт марказида ишлашадди. Дилором тикувчи, кенжа ўғиллари Алишер ҳам падари бузруквори изидан бориб сартарошлик қиладди.

— Ҳамма фарзандларимиз ёнимизда, ер олиб, уй солиб берганмиз, — дейди Эйтибор ая. — Ҳозир 35 нава ва 9 эварамиз бор. Ота-

она нафақат ақли фарзандларни дунёга келтириши, балки уларни муносиб қилиб тарбиялашдан ташқари, яхши келин-куёвлар билан тақдирини боғлашида ҳам масъулиятли бўлмоғи керак. Ўғилларимни маҳалламизда, кўз олдимда катта бўлган қизларга уйлантирганман. Қизларимни ҳам шу маҳаллага узатганман. Авваламбор, уларнинг оиласини, насл-насаби, турмушини суриштираман. Тез-тез келин ва қайнона ўртасидаги можароларни эшитиб қоламан. Қайнонанинг вазифаси келини тарбиялаш. Ниҳолдек киз ўзи ўсиб-улгайган қадрдон уйдан бошқа бир жойга келди, баъзан хато қиладди, бундай пайтда уни тўғри йўлга солиш биз аёлларнинг бурчимиз. Ахир, бир вақтлар бизнинг ўзимиз ҳам келин бўлганмиз-ку!

Азалий одатимиз шу: нуроний отахон ва онахонлар мустақил ҳаёт остонасидан умид билан ҳатлаётган ҳар бир келин-куёвга қўша қариб, серфарзанд, сердавлат бўлиб юришларини чин дилдан тилашида ҳам ўзига хос улуғ хикमत бор. Ҳалол меҳнат ва покиза муҳаббатнинг ширин меваларини татиётган Шоназар ҳожи ота ва Эйтибор ая ана шундай хуш дуоларнинг ижобатини кўрган инсонлар десак арийдим.

**Қамола АДАШБОЕВА,**  
"Оила ва жамият"  
муҳбири.  
Тошкент вилояти.

## 2015 йил — Кексаларни эъвозлаш йили



## НИЯТ БУТУН БЎЛСА...

Турмуш қурганига роппа-роса 58 йил тўлган бу бахтли оила Иштихон туманидаги Чимқўрғон қишлоғида яшайди. Тошмурад бобо ва Ойша момо Муҳаммадиевлар бир этак ўғил-қизни вояга етказиб, айни чоғда 38 нава-ра, 22 чеварага кўзу қош бўлишяпти.

— Қўлимдан келганча одамлардан ёрдамимни, ширин сўзимни аямасим, бир умр яхшиликка интилиб яшадим, — дейди Тошмурад ота. — Инсондан бу дунёда яхши хулқи, солиҳ фарзанд ва амалга оширган савоб ишлари қолади, деганлари рост экан. Одам тўғри сўз бўлса, меҳнатдан қочмаса, кўзлаган мақсадига етиб, ҳаётда ўз ўрнини топади.

Кексалари эъвоз ва қадр топган юртга нур ва барака ёғилади. Буни бузугни дориламон қўнларимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

**Ҳошим ОРЗИКУЛОВ,**  
"Оила ва жамият" муҳбири.  
Самарқанд вилояти.

## Хайрия акцияси

# БЕМИННАТ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛМОҚДА

"Саломатлик" поезди  
Қорақалпоғистонда

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари олис туманлар аҳолисини тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари томонидан чуқур тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда уларга манзилли муруват ёрдамини кўрсатиш борасида қатор хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 5-11 сентябрь кунлари фонд "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК билан ҳамкорликда "Тошкент — Тўрткўл — Мискин — Тошкент" йўналиши бўйича "Саломатлик" поездини ташкил этди.

— Республикаимизнинг бир нечта ҳудудларида аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари давом этмоқда, — дейди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий филиали директори, "Дўстлик

ордени" соҳибаси Оразгул ЕМБЕРГЕНОВА. — Йигирма бешдан ортиқ малакали шифокор ва ҳамширалар ҳар бир беморни тўлиқ текширувдан ўтказиб, турли хасталикларга чалинганлиги аниқланган беморларга даволаниш учун тегишли йўлланмалар тақдим этилмоқда. Шунингдек, кам таъминланган оилаларга фонд ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТКнинг масхус совгалари, яъни, кийим-кечак, озиқ-овқат, дори-дармон ва гигиеник воситалар ҳам топширилмоқда.

Мазкур хайрия акциясида "Соғлом авлод учун" фонди ходимлари, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТКнинг малакали тиббиёт мутахассислари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий филиали тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси аъзолари беминнат хизмат кўрсатишмоқда.

**Барно МИРЗААҲМЕДОВА,**  
"Оила ва жамият"  
муҳбири.

“Келинлар кўзголини” кинофильмидаги қулғули эпизодлардан бири — қозон ичига бекинган Аббосни эслайсизми? Орадан неча ўн йиллар ўтган ва яна кўплаб кино ва сериалларда қатор образлар яратган бўлса-да, ҳануз кўпчилик мухлислар ўша шўх болакай ролини маҳорат билан ижро этган иқтидорли актёр Муҳаммадҷон Раҳимовни соғинади. Нега, нима учун деган саволлар ҳам тугилади кўнгида.

Муҳаммадҷон Раҳимов:

## ЭНДИ ҲАЁТ ҚОЗОНИДА “ҚАЙНАЯПМАН”

— Нафақат томошабинлар, балки ўзим учун Аббос энг яқин, ёқтирган ролларимдан бири бўлиб қолган, — дейди Муҳаммадҷон биз билан суҳбатда. — Ҳозирга қадар эллиқдан зиёд турли хил образларни яратдим, аммо “Келинлар кўзголини”даги Аббос юрагимга яқинроқ туюлаверади. Бу аксарият актёрларда кечадиган табиий ҳолат. Мащур устозларимиз ҳам эллиқта рол ўйнаган бўлиши мумкин, лекин икки ё учтасини одамлар эсдан чиқармайди, тўғрими? Аббос келадиган бўлса, у менинг кинодаги биринчи ролим эмасди. Бобоканонимиз Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ҳақидаги “Даҳонинг ёшлиғи”, Темуралиқ Юнусовнинг “Галатепалик авлиё” номли кинолар ва бир неча фильмларда ҳам кичкина эпизодик ролларни ўйнаган эдим. Саккиз ёш кинорежиссёр Собир Назармухамедов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мелис Абзаловнинг “Келинлар кўзголини” киноси учун Аббос ролига танлов ўтказиб қўйганини ва мен ҳам бориб қатнашиб кўришимни айтдилар. Ўшанда мен 69-ўринда навбатда туриб синовдан ўтганман ва менинг ижроим тасдиқланган ва “қозонга тушганман”. Кейин эса ҳаёт аталмиш каттагон қозонда “қайнай” бошладим.

— **Болаликдаги илк муваффақиятлар санъат йўлини танлашингизга сабаб бўлган экан-да?**

— Тўғри, бир томондан ютуқларим бўлса, иккинчи томондан, ота-онам ва устозим Собир Назармухамедов ва Мелис Абзаловнинг қўллаб-қувватлашлари шу соҳага ундаган. Мактабни тамомлаётган йилим Мелис ака Россия давлат кинематография институтини ўқиш учун ўн та йўлланманинг биттасини менга беришларини айтганди. Ўшанда режиссёр Темуралиқ Юнусовнинг “Тангалик болалар” фильмида суратга тушаётган эдим. Съёмкадан кейин ўқишга кетдим ва беш йил давомида Россияда Алексей Баталов, Виктор Ардов каби профессор-ўқитувчилардан актёрлик сир-асрорини ўргандим.

— **Рол учун актёрни режиссёр танлайди, тўғрими? Демокриманки, актёр образ борасида ўзининг**

**фикрлари, таклиф ва қарашларини маслаҳатлашган ҳолда қаҳрамонга сингдириши мумкин. Лекин асосий кўрсатма режиссёр томонидан берилади. Ўзингиз мароқ билан ижро этган, бироқ омадсиз чиққан ролингиз ҳам борми?..**

— Билмадим, деярли ҳамма ролларимда яшаганман, аммо қай даражада берилган образларни талқин эта олганимни мухлислар айтишади. Маълумки, ҳар бир актёр кинода ёки театрда, умуман қай йўналишда бўлишидан қатъи назар, бирор рол ижро этишдан аввал сценарий билан танишиб чиқади. Мен ҳам аввало, ўзимга ёққан, ўша маконда, феъл-атворда ўзимни кўрсатганига розилик берганман. Вақти келганда, ўзимга ёқмаган, саёз, эртага кино бўлгач, томошабин фильмининг ярмига етмасдан эснатишдан сценарийларни рад қилганман. Режиссёр Собир Назармухамедовнинг “Ёлғиз ёдгорим” фильмида Насиббек ролини ўйнаганман. Бу кинода фалсафа кучли. Чунки унда қаҳрамон ҳар бир хатти-ҳаракати, мақсади, истақларини томошабинга кўпроқ ички кечинмалар билан етказилади. Кейин “Кичик одамлар катта урушда” фильмида шофёр йигит, “Богбон”да тадбиркор ўғил, “Туташ тақдирлар” сериалида куёв образларини ижро этдим. Яна такрорлайман, баҳони томошабинлардан сўраш керак.

— **Ота-онангизнинг тарбия борасидаги ибратли амаллари, панду насиҳатлар бугунги ҳаётингизда қўл келаяптими?**

— Биз оилада кўпчиликмиз, уч оғам, мен ва ука-сингилларим. Кеч бўлди, дегунча, ҳозир дадам келиб қолади, тайинлаган ишларининг ҳаммасини қилиб бўлдимман, деб ҳайкичи турардик. Бирор кинони биргалашиб кўришдан олдин беҳаё жойи келиб қолса-чи, деб тортинардик, фақатгина спорт бўйича мусобақаларни ёки “Оталар сўзи — акнинг кўзи” кўрсатувларини томоша қилардик. Тақдирни қарангки, умрлари қисқа экан, 60 ёшларида дунёдан ўтдилар. Энди, ўн бир бошининг тарбияси ўзингизга маълум. Онам уй бекаси бўлганлар. Бизларнинг тарбиямиз, ош-овқат, дарс тайёрлатиш, кийим-кечак деганларидек, хуллас, онажонимни фақат меҳнатда кўрганмиз. Аммо иккаларимиз ҳам бир ҳислат бор эди: ёлғонни ёмон кўришар, бизга доимо бошинга қилич келса ҳам, рост гапиргин, деб ўргатишарди. Ҳозир оила юритишда ўша қаттиққўллик, вақ-

Гурунг



ти келса юмшоқтабиатлик, эътибор ўзимга юққанини сезаман.

— **Муваффақиятларга етишиш учун толмас сабот керак, деган гап бор. Шубҳасиз, кишининг шахс бўлиб шаклланишида сабр жуда муҳим. Бесабрлик ортидан афсусланганмисиз?**

— Буни ҳали ҳеч қаерда айтмагандим: “Келинлар кўзголини”да суратга тушаётган пайтларим қорним ҳеч овқатга тўймас, қачон шу съёмка тургаркин-у, овқат еяркинмай, деган ҳаёлда юрардим. Тушлик бошланиши билан кейинги матни ёдлашга беришар, чунки у вақтлари техника ҳозиргидек тараққий этмаган, тасвир кетаяпти, тезроқ гапир, деб мени шоширишарди. Қайси кино бўлмасин, бош режиссёр келишидан бир соат аввал, режиссёр ёрдамчиси билан тайёргарлик кўрардик. Бу ҳолат мени янаям чарчатарди. Лекин сабр билан курашганман. Ўша кезлари нимжонгина бола бўлсам-да, кўплаб кинорежиссёрларнинг эътиборига тушган эканман.

Яна бир воқеа сира эсимдан чиқмайди: 14 ёшимда, яъни, 1988 йили Шухрат Аббосовнинг “Кичик одам катта урушда” фильмида суратга тушиш учун танловда қатнашдим ва кейин бир татар бола танаб олинганини эшитиб, роса жаҳлим чиққанди. Ўша пайтда ҳовлимизда касалланган қалин пояли олма дарахти бўларди. Дадам аламдан йиғлаб ўтирганимда кўриб, ўшани кечгача тагидан кесиб, олиб ташлашимни буюрдилар. Қуни билан дарахтга болта урдим: нимжонгина бола эмасманми, менинг зарбам таъсир қилмади, қимирламади. Энди ўйлаб қарасам, ўша қайрағочни қулатиш менинг қўлимдан келмаслигини дадам билангиран учун ҳам, шу иш орқали ҳовуримдан тушишимни кўзлаган эканлар. Хуллас, ўша қуни кеч тушиди, дадам ишдан қайтдилар ҳамки, мен ҳали дарахт кесаётгандим, бир пайт эшик тақиллаб бир неча киши кириб келиб, дадам билан русча-ўзбекча аралаш гаплашишди. Мен унчалик тушунмадим, аммо улардан бири танлов пайтида менга тикилиб ўтирган киши эканлигини эслаб, хушхабар келганини сездим...

— **Кинода кўринмай қолдингиз, телевидениеда ишлаётганингизни эшитганмиз...**

— Ҳа, ҳозир “Спорт” телеканали “Махсус лойиҳалар” студиясида катта муҳаррирман. Ҳаётда ўз ўрнимни топишимда, кимгадир Аббос, яна кимгадир Муҳаммадҷон Раҳимов бўлиб танилишимда, аввало, устозларим Собир Назармухамедов, Мелис Абзаловнинг ўрни бекиёс. Улардан ҳамиша миннатдорман. Бахтимни янада тўқис қилиб турувчи онам бор. Опа-укаларим, турмуш ўртоғим Ферузахон, фарзандларим Санжарбек, Нодирабегим ва Мадинабону ҳаётимнинг мазмунига айланишган.

“Оила ва жамият” муҳбири  
Барно МИРЗААХМЕДОВА  
суҳбатлашди.



**ҚИЗИҚ** — сўзи қизиқарли, ажабланарли маъноларини англатишини яхши биламиз. Сўзнинг туб илдизи “қизиш”, “қизиган”, “иссиқ” маъносига бориб тақалади.

Бегонани уй сори ёвутма,  
Ўрнунги, қизиқдурур совутма!  
Яъни, бегоналарни уйга яқинлаштирма, иссиқ ўрнунгни совутма!  
Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достонидан

**БАРАКА** — мўл-кўлчилик, бирор нарсанинг кутилгандан ҳам бисёрлиги. “Барака” сўзнинг туб илдизи дуо, розилик, ижозат, яратганининг эҳсон маъноларини англатади.

Бир кун жанжал чиққан уйдан  
қирқ кун барака кўтарилади.

Мақол

**БОШОҚЧИ** — қадимда ғалласи ўриб олинган майдонда сочилиб қолган бошоқларни терувчи “бошоқчи” деб аталган. Бу сўзнинг “машоқчи” деган шакли ҳам бор.

Ўроқчига андин рўзий, бошоқчининг ёруб андин кўзи.

Алишер Навоийнинг  
“Махбуб-ул қулуб”  
асаридан

**АНДИША** — оқибатини ўйлаб юз-хотир қилиш, уялиш, шарм-ҳаё, истиҳола қилиш. “Андиша” сўзнинг илдизи “ўй”, “хаёл”, “фикр”, “мулоҳаза” каби маъноларни англатади.

Нотавонлиг ошиқ элга пешадур,  
Балки жон тарки мудом андешадур.

Алишер Навоийнинг  
“Лисон ут-тайр” асаридан

Андишанинг отини кўрқоқ  
қўймаг.

Мақол

**ЖАДАЛ** — тез, тезлик билан, шошилиш, тезкорлик каби маъноларни англатган “жадал” сўзи асли “бахс-мунозара”, “тортишиш”, “бураш”, “эшиш” маъноларини ифодалаган. Бу сўзни Алишер Навоий туб илдизига мос мазмунда қўллаган.

Жадал айлабон додхоҳи била,  
Келиб ул икки-уч гувоҳи била.

Алишер Навоийнинг  
“Сади Искандарий”  
достонидан

Салимаҳон жадал юриб, кўчага  
чиқди.

Раҳмат Файзий

Фан-техника жадал суръатлар  
билан ривожланмоқда.

“Ўзбекистон кўриклари”  
китобидан

Эшқобил ШУКУР  
тайёрлади.



**Муҳаббат — инсонга ато этилган энг олий туйғу. У — икки қалбнинг ўзаро меҳр ришталари билан боғланиши, ОИЛА деб аталмиш табаррук кўрғонининг тамал тоши. Одам боласининг ҳеч бирига бу ҳис бегона эмас. Юсуф билан Зулайхо, Лайли ва Мажнун, Фарҳоду Ширин ёки Ғузорнинг Хонтепасида хониш этилган Тоҳир ва Зухра қиссаларини олиб кўринг, бир сўз билан айтганда — бани одам муҳаббатга мубтало!**

Нима сабабдан, айримларимиз ёр учун тоғларнинг тошини йўниш, сувларнинг йўлини очиш билан бошланган қаҳрамонлик достонимизни латифанамо бир якун билан хулосалаймиз, яъни: «Бир киши кинотеатр ёнида танишини учратиб қолиб, ҳар гал бир қиз билан кинога тушардинг, энди ёлғизсан — ажрашдиларингми? — деб сўрабди таажжубланиб. — Йўқ, уйландим!» — жавоб қилган экан таниши. Таажжуб — табиий, ахир уйланиш — биргалик, бирдамлик дегани эмасми! Бир-бировни ардоқлаш, севиш, суяш — тўйгача амал қиладиган таомилми? Муқаддас динимизда ҳам мўминликнинг бир шартини, ўзига раво кўрган яхшиликдан ўзгани ҳам баҳраманд этиш, деб уқтирилган-ку! Бинобарин Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «Оила» деган махсус боб киририлган бўлиб, оила аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқлари қонун йўли билан қамалган.

...Яхши ният билан аҳду паймон қилиб, оила қурган айрим ёшларнинг бир мuddат ўтиб, ажралиш учун ариза кўтариб юришларини кўрганимда мана шундай ўйлар кечади хаёлимдан. Суд залида бир-бировига билдирилаётган эътирозлар, томонларнинг андишасизларча бетғапарлик билан бир-бировларини балчиққа булғашдан-да тоймасликларини кўриб ҳайратдан ёқа ушлайсан киши. Кўни-кеча шу ёшлар мақсадларини муштарак, меҳр ришталарини пайваста қилиб бир ёстиққа бош кўйганларига ишонгинг ҳам келмайди, ростки. Бот-бот нега, нима учун, деган саволлар чарх уради бошда. Отасининг насиҳатлариға қулоқ осмай, онасининг сўзларига зарда қилиб: «Уламан саттор, шундан бошқа қизга уйланмайман!» — деб тижирлик қилган йигитнинг, тўйўчқнинг чўғи сўнмай шашти, шижоати совиб қолганига ажабланасан киши. Қани берилган ваздалар — йигитнинг лафзи! Энди эса, «Йигит сўзим бир: яшайман дедимми, яшайман», деб тижирлик қилади у. Ота кўксини, она бошини чангаллаган — ўзидан чиққан балаго даво истаб қайга боршини билмай ҳайрон. Бироқ бетавфиқ боласининг энгилтаклигини хаспўшлаш учун келинини ёмонотлик



## АРОСАТ АЗОБИ

ёхуд «ажралиш» куйини  
ҳеч ким чалмасин

қилишни афзал билади. Қиз томонининг ҳам қиличи қайралган, минг йил мuddатга боғланган қудачилик ришталарини қирқишга тайёр — бир сўз билан айтганда: қудалар — қирпичок. Ёшларни эса катталар орасида кечаётган бундай зиддиятлар кўпма ташвишлантираётгани йўқ! «Хўш, кейин-чи, эртага тақдирингиз не кечади?» — деб сўрасангиз, ҳозирча ажралиб олай-чи, у ёғи бир гап бўлар, деган мужмал жавобдан нарига ўта олишмайди. Ҳаётга бу қадар энгилтак муносабат қачон, қай тахлит таркиб топди? Бу тарбиясизлик махсулими ёки нобот тарбиянингми?

Қиз-чи, орзулари осмон эди-ку, нега бунча тез қулади тубанга?! Ажабо! Бир умр келинлик либосида юриб бўлмаслигини, тўйдан кейин тартиблар тамоман бошқача тус олишини англаш шунчалар қийинми?! Бу ҳақиқатни музқаймоқ еб юрган кезларидеяқ фаҳлаши лозим эмасми-ди, ахир, севгилиси уни сийлаётган таомда муз билан қаймоқ аралаш — ширини билан бирга тишни қамаштирадиган совуғи ҳам бор эди-ку!..

Ачинарли бир хулоса: ажралишга аҳд қилган ёшларнинг ҳис-туйғулари, ор-ғурур каби тушунчаларга таллуқли тарафлари шунга арзирликми ё? Фақат нотавон, ўз уйини қуришга қодир бўлмаган кишиларгина ўзга уйнинг соясида салқинлайди — аччиқ бўлса ҳам ҳақиқат шу! Зеро, ажралишдан арш ларзага келади, деб сабоқ берганлар ўтмишда. Ҳозир ҳам бундан ҳеч ким манфаатдор эмас. Ҳаттоки, бу давлат манфаатларига тамоман зид, башарти ҳар бир бузилган оила туйфайли жамият

тараққиётига зил кетади.

Ҳаётда ҳар хил сабаблар билан қайта турмуш қуриб, кемтик бўлиб қолган рўзгорини бутлаб яшаётган оилалар бунинг каби иддаоларимиздан мустасно. Биз истисно тариқасида фақат айрим, турмушга энгилтак муносабатда бўлаётган, арзимас сабаблар билан оила аталмиш кўрғонини қулатаётган, бундан заррача ачинамаётган ёшларни назарда тутаялмиз холос. Аччиқ-аччиқ сўзлашдан мuddао: сўзларимиз шу тахлит ёшларнинг қотиб кетган этларини бир оз ачиштирармикин, оилага бўлган муносабатларини бир оз бўлса-да, ўзгартирармикин, деган илнж билан пайваста.

Бу масаланинг бир жиҳати, мавжуд кўйди-чиқдиларнинг сабаблари таҳлил қилинганда, аксар ажралишлар қайнона-келин муносабатларидаги мувозанатнинг бузулиши оқибатида келиб чиқаётгани ҳам кўзга ташланади. Бироқ, бу қадимий кўшиқ-ку, қайнона-келин ўртасидаги манфий муносабат бугун пайдо бўлгани йўқ, у жуда кўп йиллардан бери мавжуд. Фақат, муқаддам бу зиддиятлар ажралишларга олиб келмаган. Аксинча, совуқчилик билан бошланган муомалалар йиллар синовидадан ўтиб, тамоман ижобий томонга ўзгариб борганига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Халқимизнинг «Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ» деган ҳикмати баъини шу мавзуда айтилгандек тасаввур уйғотади, кишида. Ўзи она бўлиб, сўнг қайноналик мартабасига эришган кўплаб аёлларимизнинг келинлик даврларини хотирлаб, қайноналарининг қат-

Мулоҳаза

тиққўлликни миннатдорлик билан ёдга олганларини, мана шу тутум мустақил ҳаёт йўлларида жуда асқотган ҳоллар кўп бўлгани ҳақида сўзлаганларига гувоҳ бўлганмиз.

Ҳозирда бу муносабатлар хийла мураккаб манзара касб этмоқда. Чунки, замоннинг шашти шу қадар тезки, янгиликлар оқимининг шиддати кишининг ақлини шошириб қўймоқда. Дунё ҳам, ҳаёт ҳам, қарашлар ҳам соат сайин ўзгариб турибди. Хали бир янгиликка мослашмай, бошқа бири русум бўлмоқда. Бир танишим нолиниб қолди. Тўй деса юраги зирқирайдиган бўлиб қолибди. Сабаби, хотини ҳар бир маросимга алоҳида қўйлаб тиктирар экан. Тўйлар орасидаги мuddатнинг фарқи йўқ эмиш, бир марта кийилиб одамларнинг эътиборига тушган либос, тамом эскирган ҳисобланар экан. Акс ҳолда дугоналари уни замондан ортда қолганликда маломат қилармиш.

Башарти, тўй, уйланиш ва узатилиш маросими ҳам умр каби инсонга бир марта бериладиган имкониёт. Шунинг учун ҳам унга йиллар мобайнида тадорик кўрилади. Барчанинг тилаги битта: «Кўша қаришсин!» Қадимги ҳинд брахманларининг ҳикматли бир сўзини шу ўринда эслаш ўринли: «Инсоннинг кўзи, ўзидан бошқа борликдаги барча нарсаларни кўради». Ҳақиқатан ҳам, қанийди келин билан куёв ўтирган ўрнидан туриб, пастга тушиб ўзларига атаб қурилган кўшк ва унда қўнишиб турган икки қалб, икки бегубор қиёфа қанчалар нафис эканини кўрсалар, балки шунда бошларидан кечаётган мана шу лаҳзалар қанчалар гўзал, нечоғли мафтункор, нақадар бетакор эканини тенанроқ англаган бўлар эдилар. Эҳтимол, ўшанда шу бахтиёр дақиқаларнинг қадрига кўпроқ етган бўлишармиди? Қолаверса, ҳеч қачон унуттишга ҳаққимиз бўлмаган бир ҳақиқат бор: Одам Ато билан Момо ҳаво икки юз йиллик айрилиқ азобидан сўнг Арофат тоғида учрашганлар. Маккадаги мана шу тепаликни ҳозирда зиёратчилар Раҳмат тоғи деб таваф қилишади. Никоҳ баъзида келин ва куёвга атаб қуриладиган ўриндик, бу шунчаки бир кўшк эмас — Арофат тоғи сингари табаррук у. Зотан кишининг кишига меҳри тушиши, икки қалбнинг топишиши — Яратганининг хоҳиши аслида шу. Бинобарин, машхур шоир: «Биз бахтли бўламиз, худо хоҳласа, худо хоҳламаса, учрашармидик» деганида тамоман ҳақ эди. Мана шу мантқиқнинг фаҳмига етган, оила деган давлатнинг қадрига етди — зинҳор-базирҳор арофатдан аросатга юз бурмайди.

Худоёр МАМАТОВ,  
Самарқанд вилоят адлия  
бошқармаси бошлиғи.

## БАРАКАЛИ УЙ

Ўзбекнинг қайси бир хонадонидея кексароқ ота-она ёки бобо-бувилар бўлса, шу оилани бағри бутун, дейишади. Бу ҳам бежиз эмас. Негаки, аввало, ота-она, қолаверса, нурунийлар фарзанду невараларининг одоб-ахлоқи, таълим-тарбиясида фаол иштирок этади. Бундай уйда хайру барақа, тинч-тотувлик ҳукмрон бўлади.

Афсуски, кейинги пайтларда айрим ёшларимиз бу азалий қадриятларимизни унутиб, кексалар ва ота-оналарга кўпол, ёмон муносабатда бўлаётган ҳолатлар ҳам учрамоқда. Ота-онасининг дилини оғритадиган, ўзининг ёмон хулқи билан эл орасида уларни шарманда қиладиган, ҳатто қўл кўтаришгача борадиган нобақор

фарзандлар ҳам топилади. Энг ачинарлиси, баъзи ноқобил йигит-қизлар бойлик ва имкониётлари бўлса-да, ота-оналари кексайғач, уларни эъзозлаш ўрнига ё қаровсиз ташлаб қўяди, ё қариялар уйларига жўнатади. Кексайган ота-оналарининг хонадонига келтирадиган барокатларидан манфаатланиш, дуоларини олиш ўрнига, аксинча, дийдорига зор қилиб хўрлайдилар. Ҳар бир фарзанд ота-она ҳақиқига ўта эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши, уларни оғринтирмаслиги, ранжитмаслиги лозим. Ҳақиқатан ота-онанинг кўнглини олиб, дуоларига сазовор бўлса, ишлари юришиб эл орасида хурмати ошади.

Давлатимиз томонидан кекса отахон ва

омахонларга, ногирон ва муҳтожларга бегараз ғамхўрлик ва беминнат ёрдам кўрсатилиб келинапти. Уларнинг ҳаётини фаровон, кунларини шодмон қилиш мақсадида ижтимоий химоя масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб номланиб, бу борада махсус Давлат дастури қабул қилиниб, хайрли ишларнинг амалга оширилаётгани ёши улуг инсонларга кўрсатилаётган ҳурмат-эътибор, эъзоз намунаси дейиш мумкин.

Раҳимжон САПАРОВ,  
Каттакўрғон туман  
2-сон ДНИ нотариуси.

# МАЛОМАТ ЎРНИГА РАҲМАТ ЭШИТИНГ

*Баъзи, узоқни кўролмайдиган аёллар қиз бола бировнинг хасми, бўйга етдимиз, иложи борича тезроқ узатиш керак, ота-онасиникида ўйнагани, кийгани қолади, деган нотўғри тушунча билан капатта қизларини талтайтириб, уй-рўзгор ташвишларидан, турмуш қийинчиликларидан четда тутлади ва бу билан катта хатоликка йўл қўйишди. Оқибатда она бутун масъулиятини ўз зиммасига олади. Бундай нотўғри йўл орқали у аввало, ўз оиласига, қолаверса, фарзандининг эртанги тақдирига зиён етказайётганини тушуниб етмайди.*



Тарбия

Аёл кишининг таълим-тарбия, рўзгор юритиш бобида кўп нарсани билгани албатта яхши. Қиз бола турмуш қургач, бутунлай ўзга бир шарт-шароит ҳукмрон бўлган оила муҳитига кўникиши зарур. Бу эса ҳеч қачон осон кечмаслиги аниқ. Шунинг учун ҳар бир келинчак дастлаб ўз ота-онаси, бобо-бувисидан олган тарбиясининг ибратли жиҳатлари билан қудалар олдига обрў қозониши керак. У ўзининг эпчиллиги, хулқи-одоби, зийраклиги, фаросатлиги туфайли бу жойда ўз ўрнини топади. Чунки кечагина бир дунё орзу-умидлар билан бу маҳаллага узатилди. Энди у бу хонадонни муқаддас деб билмоғи, каттаю-кичикка хурмат-эҳтиром кўрсатиши шарт. Ҳўш, ўз уйда эрка, каландимог бўлиб ўсган бўлса-чи? Унда...

Шу ўринда Ҳалима исмли келинчакнинг ҳикоясини эшитинг:

— Институтни тамомлайдиган йили турмушга чиқдим. Тузуқкина хонадонга келин бўлдим. Қизлик пайтими онамнинг эркатойи эдим, имкони борича қўлимни совуқ сувга урдирмас, уйдаги майда-чуйда ишларга кўп уринтирмагани учун бўёқдаги шароитга сира кўниолмай, роса қийналдим. Хали у, ҳали бу

юмушни эпполмасам, қайнонамдан гап эшитардим, кейин эрим танбеҳ берарди. Уйимизда ҳамма юмуш ойим билан келинойимдан ортмасди. Менинг қилган ишимдан ойимнинг кўнгли тўлмасди. Мен эса барибир биринчи навбатда мен учун ўқиш муҳимроқ, рўзгор масаласи иккинчи даражали, кейин ўрганиб кетаман, деб юраверибман. Бу ерда қайнонам ҳар икки гапининг бириси: "Бунча бўш-баёвсиз, аттанг, онангиз рўзгор ишларини ўргатмабди-да, бу ашворда бизларни кўяверинг, битта эрингизни ҳам эплай олмайсиз-ку", дерди кесатиб. Эрим ҳам бора-бора онасининг тарафини олиб, мени очикчасига ҳақоратлайдиган, баъзида калтаклайдиган одат чиқарди. Охири бўлмади, қонуний ажрашдик. Энди ўйласам, энг катта хатолик менинг ўзимдан ўтган экан...

Шундай дейману, лекин қайнонам-чи, у кишидан ҳам домангир бўламан гоҳида. Нега десангиз, эртаю кеч ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқ, эдим. Янги келин бўлсам, ўз қизидек кўриб, билмаганларимни юзимга солмай, ўргата қолса, бўларди-ку, тўғрими? Ёш новда эдим, эгилардим, албатта. Лекин энг ёмони, юрагимни йиллар давомида эзиб келаётган алам-

ли нарса — фарзанд доғи бўлди. Алам устида эндигина атак-чечак бўлаётган норасида боламни қайнонамга ташлаб кетибман. Кейин эшитсам, қаттиқ шамоллаган ўғлим она меҳрига қонмай, дунёдан ўтибди. Хаёт мени жуда қаттиқ жазолади. Кейин уч марта турмушга чиқдим, аммо фарзанд кўрмадим...

Ушбу воқеада, аввало, қиз узатган ота-она, қайнона, эр ва келиннинг ҳам ўзига яраша айби бор. Онаси: "Кўй, аввал дарсингни қил, турмушга чиқсанг, қайнонам ўргатади", деб унинг райини қайтариб хато қилган эди. Бу билан онаси қизининг рўзгор меҳнатига ҳавас-рағбатини синдирган. Уқувсиз қиз бечора тушган уйдан нолиб келган пайтларида уни юпатиб, насиҳат қилиш ўрнига: "Ха, ўша қайнонамдан ўргидим, сени олиб кетгунича, қудажон, асло ўйламанг, сира қийналмайди, кичкина рўзгор, иш даярли йўқ, билмаганини ўзимга қўйиб беринг, деб мақтанувди. Энди тили чиқиб қолдимми? Йўқ, ҳеч ёққа бормайсан, тор қорнимга сикқан, кенг уйимга ҳам сиғарсан", деб олдига тушди. Кейин ҳам

хатоликлар давом этди. Энди пушаймон бўлаётган аёлга ким ёрдам беради? У ёғи ўзига ҳавола.

Одатда, қиз бола уй тутиш, саранжом-сарихталикни ўз оналари тимсолида кўриб ўрганади. Бас, шундай экан, оналар ҳар қандай уй юмушлари — овқат тайёрлаш, стол тузатиш, кир ювиш, уй тозалаш, дамоллаш, бичиш-тиқиш, меҳмон кутиш ишларини бажараётганида қизларини ҳам ёнига олиб, уларнинг дастёрлигида қилса, қони фойда эмасми? Ҳар биримиз онамизнинг қачонлардир айтган: "Қизим, қилганинг менга, ўрганганинг ўзингга", деган пурмаъно сўзларини бир эслайлик.

Қизлар фазилати хусусида сўз очилса, энг аввало, одоб, шарму ҳаё ҳақида тўхтамасликнинг иложи йўқ. Ҳаё, ақл-идрок хусн бўлмоғини яна такрорлашим шарт эмасдир. Айниқса, шармли бўлмоқ, ўзгаларни ҳурмат қилиш аёл зотининг кўрки, зийнатидир. Ақл билан иш тутиб, ўз ному-сини пок сақламоқ, ҳар қандай вазиятда ўзини тутта билмоқлик, ҳар бир қадамини ўйлаб, ўлчаб босмоқлик ота-онадан, атрофдагилардан

Ойша ТўРАЕВА,  
профессор.

## МЕҲРИДАРЁ

**Моҳира опа билан ўн беш йилдан бери бирга ишлаймиз. Бу аёл меҳнатсеварлиги, сабр-тоқати билан жамоада хурмат қозонган. Уни қийдан билганим сайин матонат ва иродасига ҳавасим орта борди.**

Ўзининг айтишича, 14 ёшида ота-онасидан айрилган экан. Беш нафар ука-синглисига суянчқ бўлиш ҳали балоғатга етмаган қизнинг зиммасида қолади. Ота-онасининг маъракалари ўтгач, амма-холалари норасида болаларни бўлишиб олиш ҳақида маслаҳатлашаётганида Моҳира опанинг ён қўшниси Шарофат хола: "Йўқ, яхшиси, болалар ўз уйларида катта бўлишсин, ота-онасининг чирогини ёқиб ўтиришсин, ҳар ким қурби етгунича ёрдам берсин", — деди. Кексаларга ҳам шу фикр маъқул тушди...

— Шундай қилиб, Шарофат холамизнинг тўрт фарзанди ўнта бўлди. Қариндошларимиз эса ўз ташвишлари билан андармон бўлиб бизларни даярли унутиб юборишди. — дея хотирлайди Моҳира опа маҳзун оҳангда. — Холамнинг турмуш ўртоғи Ақром ака ҳам жуда болажон киши эди. Топган-тутганини бизлар билан баҳам кўрди. Энди озғим ошга етай деганида, яъни, 19 ёшга тўлганида менга онамдай суянчқ бўлиб қолган Шарофат хола ҳам қутилмаганда дунёдан ўтди...

Моҳира опа куну тун тинмай меҳнат қилди, жи-гарларининг бахти учун курашди. Сингилларини келинлик, укаларини кувёлик либосида кўриб қувонди, кўзлари севинч ёшларига тўлди. Уларнинг: "Опажон, бизларни бахтимизни қўрдингиз, энди ўзингизни ҳам ўйланг" дейишларига унамади.

Куни кеча Моҳира опанинг туғилган кунлари бўлиб ҳаммамизга ширинлик таркатаётганларида кенжа укалари кўнғироқ қилиб ҳозиргина эгизак фарзанд кўрганини айтиб қолди. Бундай хуш-хабарни эшитган Моҳира опанинг кўзларидаги қувончни кўриб, дунёда мана шундай кишилар борлиги учун ҳам ҳаётимиз янада ёруғ ва кўркам эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Гулнора ЙўлДОШЕВА,  
Фориш тумани.  
Жиззах вилояти.

## ЁН ҚЎШНИДАН АЙЛАНА

**...Ярим тунда эшитилган бақир-чақирдан кўпчилик уйғониб кетди. Рўпарадаги кўп қаватли иморатнинг иккинчи ёки учинчи қаватидоги уйларнинг бирини аёл киши йиғлар: "Вой бошим, ёрдам беринглар, ҳозир ўлдириб қўяди, ким бор, одамлар! Ёрдам беринглар", дея зорланарди.**

Нима қиларимни билмай қолдим. Чикай десам, ярим тун, соат иккидан ошган. Кўчада ҳеч ким йўқ. Шунда, наҳотки, бу овозни бирор кимса эшитмаётган бўлса ёки улар ҳам менга ўхшаб ҳеч ким чиқмапти-ку, деб бу жанжалга аралашмайгина уйларда ўтиришибдимкан, деган ҳаёлга бордим. Йиғлаб ёрдам сўраётган аёлни эри калтаклаётганига ҳеч шубҳам йўқ эди. Эркак кишининг овози эшитилмаса-да, ёш бола чинқириб йиғлар, орасира "Дадажон, урманг", дея ўкинади. Аёлга ёрдамга ошиққан билан бу нокас эркакка бас

## Хатлар - тақдирлар

келолмаслигим аниқ эди. Яхшиси, ички ишлар бўлимига кўнғироқ қиламан, дея энди рақам термоқчи бўлсам, телефоннинг ўзи жиринглади. Дарҳол "Алло" деганимни биламан, у ёқдан бир аёлнинг жаҳл билан бақирган овози келди: "Ҳой, номард, менга қара, ҳозир милицияга хабар бераман! Ўлдириб қўясан-ку, ҳеч бўлмаса, болангга раҳминг келмаяптими?!" Аёл тинмай қарганишда давом этарди. "Кечирасиз, сиз адашиб тушдингиз шекилли, бу бошқа хонадон, мен ҳам уларнинг тўполонини эшитиб турибман", дейишимга ҳам қулоқ солмай, бақираверди. Шу пайт кўчадан одамларнинг гала-говури эшитилди. Беш-олти аёл жанжал бўлаётган уй йўлагига кириб кетишди. Кўп ўтмай, эшикнинг қаттиқ тақиллагани эшитилди. Бирдан ичкаридагилар жимиб қолдишди. Фақат бола ҳамон азиятда йиғларди. Ниҳоят кўчада нозирлар машинаси пайдо бўлди... Атрофни яна тунги сокинлик эгаллади.

Яхшиямки, одамларимиз бир-бирига бепарво эмас, ўртада оқибат бор. Агар шундай пайтда "Менинг нима ишим бор", деб ўтираверсак, бир муштирап аёлнинг ҳоли не кечарди? Шу куни кўни-кўшниччилик муносабатларини халқимиз нега бу қадар авайлаб келаётганини, "Узоқдаги қариндошдан қяндаги қўшни яхши", деган мақолнинг маъносини тушуниб етдим...

НОДИРА,  
Тошкент вилояти.

Бахт остонаси

# СОВЧИЛИК — ТАВАККАЛЧИЛИК ЭМАС

**Йўлни тўқсон ўйиб келар, совчилар,  
Бошга сават қўйиб келар, совчилар.  
Келин излаш борасида овчилар,**

**Ўзбегимнинг совчилари бор бўлсин,** — мисралари замирида боқий кадрларимиз, оила қуришдаги мураккаб ва масъулиятли жараёнлар ўз ифодасини топади. Халқимизда қизи бор уйга совчи келиши ота-она, қариндошларга унинг бўйи етиб, улғайганлигини аңглатади. Шу дамдан бошлаб отанинг чехрасида маъюслик, онанинг кўнглида бесаранжомлик бошланади.

Ҳаётнинг энг катта ва муҳим савдоси турмуш ришталари боғлангунича неча-неча синовларга дуч келинган: қизнинг совчилардан бекиниши, то тўй бўлгунига қадар қувв тарафининг яқинларига кўринмаслик, қуввнинг қай-

ҳазаларини тадбирли совчи ўз ўрнида, тўғри ҳал қила олади.

Совчилик муносабатларида таниш-нотанишларнинг йўл қўяётган ҳатолари, ёки қиз танлашдаги ноодатий ҳолатлар ён-веримизда содир бўлади-ю, аксарият ҳолларда буларга деярли аҳамият бермаймиз.

Масалан, яқинда ўзим гувоҳи бўлган қизик воқеани эшитинг: автобусдаги қарама-қарши ўриндиклардан бирида ўтирган қирқ ёш чамасидаги аёл қаршисидаги нотаниш қизга унинг шахсий ҳаётига оид саволларни бера бошлади. Ҳалиги қиз унинг илмоқли саволларига уялиқираб жавоб берар, аёлни эса қизни ноқулай аҳволга тушгани заррача қизиктирмас, бу ҳам етмагандек ундан кўтилмаганда телефон рақамини сўраса бўлади-ми. Хижолатдан бошини қуйи эгиб ўтирган қиз охири ўша хотинга унаштирилганлигини айтишга мажбур бўлди...

— Аввало, сиз ўз ўғлингизни ақлли, одобли қилиб тарбияласангиз, муносиб қизларни танлай оласиз, — дейди **84 ёшли Манзура аяқ Дарова**. — Совчи икки оилани боғланишида кўприк вазифасини ўтайдиган инсондир. Менинг ўзим бир йилда совчиликка бориб, икки ўғлимни ҳам уйлантирганман. Ўзим билган хонадон қизларини кузатиб, оиласи, қизнинг феъл-атворини ўрганганман. Келинларимга биринчи борганимдаёқ розилик олганман. Танишлиги учун ҳам орага бегоналарни қўшмай, ўзим қизларим билан совчилик қилганмиз. Совчилик таваккалчилик эмас. Оналар бунни тошу тарозига қўйиб, ўғлининг келажagini ўйлаб ҳал қилиши керак. Ҳозир ёш оилаларнинг бузилиб кетаётганлиги ҳақида кўп эшитаман. Баъзан бунда совчиларнинг ҳам айби бор деб ўйлайман. Нотаниш оилаларга боришдан аввал улар ҳақида эринмасдан сўраб-суриштириш керак. Ҳозир-чи, шошқалоқлик билан кўни-кўшни, бир-иккита қариндош-уруғидан сўраб тўйни бошлаб юборишди. Алал-оқибат, нима бўлади, тўй ўтар ўтмас қудалар ўртасида низо чиқади, нима эмиш, йигит ёки қизнинг севгани бор экан... Шу сабаб ҳам совчи бўлиб келган, ўртага тушган киши бирон оиланинг фарзандини тавсия қилишдан аввал, у ҳақда тўла-тўқис маълумотга эга бўлиши шарт.

Совчиликнинг замонавий кўринишлари ҳақида гап кетса, талабалик давридаги бир воқеа ёдга тушади. Дарс якунланиб, кўнги-роқ чалинди, шунда хонамизга бир аёл ўқитувчимиз ва ёш жувон кириб келди. Негадир улар Тошкент вилояти ва пойтахтдаги қизларни сўрашди. Ҳалиги маъл қизларга бирин-кетин назар солиб, ўзига маъқул келганларни осмондан тушгандек саволларга тутиб кетса, денг. Кейин билсак, у ўғлига қиз кидириб, насл-насаб ва оила суриштириб юрган экан. Аёлнинг бу хатти-ҳаракатини кўриб, уйига қиздек бўладиган келин эмас, “қул” изламаяптимикиан, деб ўйлаб қолдим. Ахир, шундай қайноналар ҳам, афсуски, орамизда йўқ эмас-да. Уша аёлнинг нияти амалга ошдиими, йўқми, билмадим. Лекин энг қизиги, шу орада университетга бундай “кутилмаган меҳмон”ларнинг қанчаси келиб кетишди...

“Қизингни худди ҳамёнингни асрагандек асра” дейилади, япон халқ нақлида. Демакки, қиз оиланинг бебаҳо бойлигидир. Асрлар оша ўтиб келган удумларимизни замонавийлик билан қориштириб эмас, замонга мос, миллийлик руҳида зеб бериш айна муддаодир.

**Камола  
РАХИМХЎЖАЕВА.**

Ф и к р



## ҲАРАКАТДА ҲИКМАТ НАМОЁН

**Бошланғич синфда ўқиб юрганимизда мактабимизга кўчма кўғирчоқ театри келди. “Уч оғани ботирлар” спектаклини мароқ билан томоша қилганимиз ҳамон эсимда. Анча пайтгача эртақ таъсирдан чиқолмай, ҳатто ўзимиз матодан қўлбола кўғирчоқ ясаб, кичик сахналар уюштирганмиз. Ўйласам, ўша кўғирчоқлар томошаси бизни санъат эшикларига торқчиладди. Ёшлиқдаги ижроимиз таъсирдан ҳозир синфимиздаги ўқувчиларнинг тенг ярми санъатнинг қайсидир йўналишида ўқийди.**

Изоҳли лугатларда кўғирчоқ театри чодир ичида ёки парда ортида яширинган актёр, кўғирчоқбозлар томонидан ҳаракат келтирилиб кўрсатиладиган кўғирчоқлар томошасидир, дейилади. Табиатни илоҳийлаштириш маросимларига бориб тақалувчи кўғирчоқ театрлари Геродот, Ксенафонт, Аристотелнинг маълумотида кўра, V-VI асрлардаёқ пайдо бўлган. Шарқда кўғирчоқ театрларининг барча шакллари мавжуд бўлиб, шундан соя театри (Ўзбекистон худудида “Фонус ҳаёл” деб юритилган) кенг тарқалган. Индонезияда XI-XII асрларда симлар билан бошқариладиган кўғирчоқ томошалари ижро этилган. Юртимизда янги шаклдаги хаваскорлик кўғирчоқ театри XX асрнинг бошларидан иш бошлаган. 1939 йили Тошкентда Республика кўғирчоқ театри ташкил топди. Айна кунда мамлакатимизда ўн та давлат тасарруфидаги ва кўплаб хаваскор кўғирчоқ театрлари фаолият кўрсатади.

Катта тарихий даврни босиб ўтган кўғирчоқ театрлари йиллар ўтгани сайин ўз қимматини, аҳамиятини йўқотаятгандек. Аслида, залда ўтирган жажжи томошабинга катта таъсир кўрсатувчи, унинг дунёқарашини шакллантирувчи, инсонийлик туйғуларидан сабоқ берувчи, боланинг ижтимоийлашувида муҳим ўринга эга кўғирчоқ театрларининг қиммати пасаймоқда. Бунга турли сабаблар, қатор ижтимоий ва иқтисодий омилларни кўрсатиш, қўйилаётган асарларнинг мазмунан бўшлиги, бугунги кун қаҳрамони қиёфасининг йўқлиги, шунингдек, эртақ ва ривоятлар билан чекланиб қолинаётганини таъкидлаш жоиз. Иккинчи томон — ота-онанинг тарбия жараёнидаги иштироки ҳам энг бирламчи сабаблардан бўлиши тайин. Вақтнинг етишмаслиги, муттасил иш билан бандлик ва турмушнинг ташвишлари театрлар ҳақида ўйлашга йўл бермайди.

Ҳар қайси хонадоннинг ўзига хос муҳити, об-ҳавоси бўлади. Бир оиланинг қарашлари кейингисидан тубдан фарқ қилади: Улғаяётган боланинг характерида, хатти-ҳаракатларида оиладаги тарбия нуқси уриши табиий. Мактаб ёшидаги бола кунининг учдан бир қисмини таълим муассасасида ўтказиши керак. Атрофидидаги тенгдошлари билан мулоқот пайти жамоавийликка мослашади, муносабатлар ўрнатишни ўрганади. Боланинг ижтимоийлашуви, билим даражасини оширишида ўқув муассасалари қанчалик муҳим бўлса, инсонга хос хислатларнинг шаклланиши, маънавий қарашларининг ошишида, ҳайвонот ва ўсимликлар оламига, яқинларига, дўстларига меҳрли бўлишида тарбия масканларининг ўрнини инкор этиб бўлмайди. Театрлар нафақат меҳроқибатни тарғиб этади, балки нима яхши нима ёмонлигини саҳнада тақдирлар мисолида кўрсатади. Панд-насихат, доимий ақл ўргатиш орқали эмас, гап-сўзлар, ҳаракатлар воситасида тушутилади. Болада эшитиш, кўриш, фикрлаш қобилиятлари саҳнадаги ижро кўмагида ривожланади.

Кўғирчоқ театрларига болажонларни кўпроқ жалб этиш учун “Оила — боғча — театр” ҳамкорлигини изчил йўлга қўйиш зарур. Бу ҳамкорлик самараси таълим тизими, ижтимоий муносабатларда яққол сезилади.

**Сабоҳат ҚАЙУМОВА,  
ЎЗМУ талабаси.**



нота-қайногалардан узокроқ юриши шулар жумласидан. Ёки, айрим вилоятларда қайнонанинг тўйдан олдин келин билан учрашиши хосиятсиз дейилган. Баъзи ҳудудларда қиз бола илк бор қайнонасига қарашдан олдин қуёшга қараб, кейин қайнонаси билан юзлашган. Буни кексаларимиз “юзи-юзига иссиқ бўлади” дея изоҳлашади. Унинг сабабларидан яна бири қуёшга қарагандан сўнг атрофга тикилиб қаролмайсиз, кўзингизни яширасиз. Қайнона ва келин муносабатида ҳам, кўзга тик қарамаслик, тавозе билан муносабат билдириш ўз ифодасини топган.

Замона зайли билан совчиларнинг бугунги қиёфаси бироз замонавий кўриниш касб этган. Қизларимизни сирли ва сеҳрли қилган ана шу гўзал одатларимизга бугунги глобаллашув жараёни салбий таъсирини ўтказмоқда. Масалан, совчилар олдиндан келин билан учрашишади, ёки тўйдан олдин келиннинг уйида қувв билан кўришув, айрим таълим даргоҳларига бориб оналар ва қариндошларнинг келин кидириши...

— Совчилик билан шугулланганлар қадимдан халқ орасида обрў-эътиборга эга, тадбирли ва муомалали, ҳар иккала оиланинг ҳам шарт-шароитлари билан яхши таниш бўлган, — дейди **Республика “Оила” илмий-амалий маркази бўлим бошлиғи Мунаввара Ёқуббекова**. — Баъзи ҳудудларда эса эркакларнинг совчи бўлиб бориши ҳам кузатишган бўлиб, уларнинг бу ишни от миниб бажариши қадридир. Бугун совчиликни яқин қариндошлар, оиланинг дўстлари бажаришади. Бунинг сабаби билимли, ўқимшли, тадбирли кишиларнинг кўпайганидан деб ўйлайман. Совчилик муносабатларини амалга оширувчи киши барча ижобий ва салбий жиҳатларни ҳисобга оладиган, таҳлил қиладиган ва керакли жойда керакли сўзларни айта оладиган инсон бўлиши керак. Хавотирли жиҳатларни, айрим сабаблар туфайли кейинги пайтларда совчиликнинг замонавий кўринишлари пайдо бўлиши натижасида интернет орқали совчилик, совчилик агентликлари ташкил этилган. Шу билан бирга ўртага совчи қўймасдан қудаларнинг телефон орқали келишувлари кенг тарқалган. Лекин совчининг ўрни катта. Чунки иккала қудда бир-бирига юзма-юз айта олмайдиган келишув ва муло-

# КИМНИ АЛДАЯПСИЗ?

хўш, ким айтади, қўй гўшти билан эчки гўштининг қандай фарқи бор?!



**Байрам арафаси эди. Эрта-лаб ишга шошилаётсам, аёлим ёзгириб қолди: “Дадаси, кеча бозорга тушаман, девдингиз, ёғ тугабди, гўшт ҳам, пиёз-картошка озроқ бор, нима қиласиз, об-келасизми, ё?” Бундай маҳал хўп деб қутуласиз-да. “Пешиндан сўнг вақтим бор” дедиму, кўчага чиқдим. Тушлик қилаётсам, яна уйдан кўнгироқ бўлди. “Меҳмон келиши мумкин”...**

Хуллас, иш тугар маҳал, “Кўйлик” бозори арининг уясидек талотўп бўлишини сезиб, устига-устак пластик карточкамга пул тушувди, сал қимматроқ бўлсам, сахар марказидаги нуфузли супермаркетлардан бирига кирдим. Биринчи бўлиб гўшт сотиладиган растага бориб, хушмуомала сотувчидан чиройли қилиб ўралиб, идишга жойланган қўй гўштини ўзимча обдон суриштирдим. “Ярим соатча бўлди, қўйилганига, ака, ишончли, бемалол олаверинг”, — жавобдан кўнглим тўлди. Кейин қолган нарсаларни

бирма-бир аравачага юкладим...

Кечкурун бир оғайним уйига чақриб қолди. Эртаси кун кечга яқин меҳмонлар — қудалар келишди. “Бир қозонда қўй гўшtidан шўрва, иккинчисида ош пишаяпти, фақат биттагина торт олиб келсангиз кифоя”, — деди хотиним. Дастурхонда ҳамма нарса мухайё, даврада гурунг қизийди. Қатлама патир билан бирга шўрва тортилди. Бир маҳал мақталган қўй гўшtidан тайёрланган шўрва сувидан ичиб кўрсам, галати ҳид бурнимга урилди. Эчки гўштининг таъми эди бу! Ҳеч кимга сездирмадим. Аста ташқарига чиқдим. “Наҳотки, бозорда бўлса экан алдашса, ахир бу манамен деган супермаркетку!” — дейман жажлим чиқиб. Алам қиладиган жойи, менинг ўзим қасобнинг ўғлиман, ҳар қандай гўштни бир қарашда ажратадиган одам, қандай чалғидим, билмайман, ўйлаб ўйимга етолмайман...

Орадан икки кун ўтгач, ўша супермаркетга бориб, секин сотувчи-

## Ойна

ни гапга солдим:

— Сизларда эчки гўшти ҳам сотиладими?

Ҳалиги йигит тутаклиб кетди:

— Нималар деяпсиз, амаки, ана ёзиб қўйибмиз-ку каттақон қилиб, “қўй гўшти” деб, мумкин эмас!

Охири чидолмадим:

— Барака топгур, бундан роппароса икки кун аввал худди шу жойдан мен сотиб олган қўй гўшти нақ эчкининг гўшти экан-ку! Уялмайсизларми, ноинсофлар, ҳаммаям билавермайди фарқини, лекин мен ҳам шўрвасини ичганимдан кейингина сезиб қолдим. Хайф-эй, сенларга!

Ортимдан ҳалиги маҳмадона йигитчанинг: “Хизматга тухмат деганлари — шу-да”, дея айтган сўзларини эшитдим...

Ушбу воқеани Қаршида яшайдиган тўнғич акамга айтиб бердим. “Катта шаҳарнинг алдовиям катта бўлади укам, наҳот, элликка кириб гўштни ажратолмай қолдинг? Уларни менман деган мижоз ҳам фарқлолмайди. Лекин бизнинг Қашқадарё томонларда инсофи бор қасоблар “эчки ёки серка гўшти” деб айтиб, ёзиб сотади. Мабодо кимдир туққан эчкининг гўштини еб қўйса борми, тамом, керак бўлса, қирқ йиллик дарди кўзгалади” — дея билганларини сўзлай кетди.

Шундан бери бозорда, супермаркетларда қўй гўшти сотилаётган расталарга боришга юрагим бетламайди.

Сизлардан илтимос, агар имкони бўлса, бу мавзуга оид мутахассислар маслаҳатини чоп этсангиз. Балки, ана шунда менга ўхшаган содда мижозлар алданиб қолмасмиди.

Озод КАРВОН ўғли.

## ОТА-ОНА РОЗИЛИГИСИЗ

фарзандликка олиш тартиби...

Қандай ҳолларда ота-онанинг розилигисиз болани фарзандликка олиш мумкин?  
М. Комилов.

— Оила кодексининг 160-моддасига биноан Фарзандликка олиш куйидаги ҳолларда: ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса; ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса;

ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса;

ота-она бир йилдан ортқ мuddат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса, ота-онанинг розилигисиз амалга оширилади.

Саволга Зангиота туманидаги 2-сонли ФХДЭ бўлими мудири Наргиза КАРИМОВА жавоб берди.

## ЭР ЁКИ ХОТИН

ҚАЙТИБ КЕЛСА...

Қўшнимизнинг хорижга ишлашга кетганига олти йилча бўлувди. Аёли бечора ёлғизликда қийналиб қиз чиқарди, ўғил уйлантирди. Эшитишимча, уч йил аввал уни бедарак йўқолган деб топишган ҳам экан. Бир ҳафта аввал ўша одам қайтиб келди. Энди эр-хотиннинг никоҳи қай тарзда тикланади?  
Э.Адашев.

— Бундай ҳолатлар албатта учраб туради. Оила кодексининг 48-моддасига кўра: Суд томонидан вафот этган деб эълон қилинган ёки бедарак йўқолган деб топилган эр (хотин) қайтиб келган ва тегишли суд қарорлари беркор қилинган ҳолларда, никоҳ эр-хотиннинг биргаликдаги аризасига кўра фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи томонидан тикланиши мумкин.

Агар эр (хотин) янги никоҳга кирган бўлса, никоҳни тиклаш мумкин эмас.

Саволга Ўрта Чирчиқ тумани ФХДЭ бўлимининг 1-тоифали инспектори Шаҳноза ЯРМАТОВА жавоб берди.



## ШИРИН КРОССОВКАЛАР

Голландиялик рассом Йост Гудриан Nike савдо белгиси остидаги янги кроссовкаларни яратди. Фақат бу пойабзалдан фойдаланиш тавсия этилмайди. Яъни, уни кийиб кўришнинг асло иложи йўқ. Чунки бу бежирим кроссовкалар чарм ёки унинг муқобили бўлган бирор материалдан эмас, тасаввур қила оласизми, шоколаддан ясалган. Ҳа, худди шундай.



Йост Гудрианнинг айтишича, дўстлари орасида кроссовка “жинни”лари кўпчилик бўлиб, улар турли таниқли фирмаларнинг чиройли кроссовкаларини сотиб олишадими-ю, аммо бирор марта ҳам кийишмайди. Шунчаки, жавонларида коллекция сифатида қолиб кетяверади. Айримлари янги кроссовканинг қутисини ҳам очмас экан. Шундай қилса, гўё уларнинг нархи тушиб кетармиш. Тагин Nike, Adidas каби фирмалар маҳсулоти бўлиш бу ажойиб кроссовканинг сифати, кўриниши бузилмаслиги учун ҳарорат ва намгарчилик меъёри белгиланган махсус хоналар зарур.

Голланд рассоми бу каби одамларга ҳазиломуз қилиб, уларни қаердаги нарса-буюмларга ружу қўймасликка чакиради. Ҳар бир неъматдан мақсадига кўра фойдаланиш керак, деб ҳисоблайди. Ўз тамойилини “жонлантириш” мақсадида Гудриан NIKE Air Max 1 фирмаларининг муқобили бўлган ўнлаб кроссовкалар яратди. Хомашё ўрнида эса қора, оқ ва сутли шоколаддан фойдаланди.

— Дўстларим тўплаган кроссовкалар, ҳатто қутиси очилмаган ҳолатда ҳам вақт ўтиб барибир сифатини йўқотади. Шу боис уларни ўз вақтида кийиб, фойдаланиш керак. Шоколадни-ку, умуман узоқ сақлаб бўлмайди, — дейди рассом. — Хуллас, ҳар бир нарса — буюмни ўз маъносидан ўринли истемоқ қилиб, ҳаётдан завқланиб яшаш керак. Шоколадми? Демак, уни ейиш керак, вассалом!..

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўлёмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклам материаллари мазмун учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Олимжон ЖУМАОБОВ

Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ  
Мусахҳилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,  
Камола АДАШБОВЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темурут кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма  
Г — 936. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади  
— 4621. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5